



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziyo ko‘chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «14» июль

VI-31-42-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 апрелдаги “2020-2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4667-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 апрелдаги 222-сон қарорлари ижроси юзасидан Денов туман ҳокимининг ҳисботи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, барча соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш, Денов туманини комплекс ривожлантириш Дастури ижросини таъминлаш бўйича кўрсатмаларига асосан Республика Ишчи гурухи томонидан 2020 йил 10 ноябрда ўтказилган 8-сон йигилиш баёнида бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Сессияда Денов шаҳрини комплекс ривожлантириш масалалари бўйича туман ҳокими Р.Пардаевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 апрелдаги ПҚ-4667-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ахбороти эшитилди.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифларни инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 апрелдаги “2020-2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4667-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 14 апрелдаги 222-сон қарорлари ижроси юзасидан Денов тумани ҳокими Р.Пардаевнинг ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Денов тумани ҳокими (Р.Пардаев), туман ҳокимининг ўринbosарлари (Б.Абдурайимов, Ў.Мамадалиев)га:

Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини таҳлил қилиб бориш ва мувофиқлаштириш;

аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ҳамда ишсизлик даражасини пасайтириш мақсадида тадбиркорларни жалб этган ҳолда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғини жадал ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш;

туманда камбағалликни қисқартириш ва бартараф этиш бўйича зарур чоратадбирлар белгилаш вазифалари юклатилисин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Хидиров), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Хурсанов), вилоят Уй-жой коммунал ҳизмат кўрсатиш бошқармаси (П.Тангриев):

“Сурхон-Диёр” маҳалласи худудида жойлашган марказий оқова сувларни тозалаш тармоқлари ва иншоотини реконструкция қилиш учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиб, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун маблағ ажратиш чораларини кўрсин;

Денов тумани “Лочин” маҳалласида энергия тежамкор лойиҳалар асосида янги замонавий кўп қаватли (9,12,14 ва 16 қаватли) уй-жойлар қурилаётган массивга 35/10 кВт нимстанция қуриш ишларини бошлаш чораларини кўрсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (И.Сапаров), вилоят Маданият бошқармаси (Қ.Аманқулов), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Хурсанов) Денов туманида 1612-1628 йилларда қурилган “Сайд оталиқ” мадрасасини тиклаш ва таъмирлаш, “Маданият маркази” биноси қуриш учун зарур бўладиган маблағларни ажратиш чораларини кўрсин.

5. Туман ишчи гурухи (Р.Пардаев) ҳамда тумандаги 4 та сектор раҳбарлари (Р.Пардаев, А.Тоғаймуродов, Э.Нуруллаев, О.Якубов) худудни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар кесимида Дастурдаги тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан ҳалқ депутатлари вилоят ва Денов тумани Кенгашига ҳар чорак якуни билан ёзма ахборот киритиб борсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Д.Жўраева) зиммасига юклансин.

7. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаши раиси



Bobolov T.A.